



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 45 (11.606)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



«Ташаббус – 2010»

САЪЙ-ХАРАКАТЛАР ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўтказилаётган «Ташаббус» кўрик-танлови иқтисодиётимиз ривожига муносиб улуш қўшишга интилаётган тадбиркор ва хунармандларнинг меҳнатларини рағбатлантиришдан ташқари, ўзаро тажриба алмашиш, изланишларини кучайтиришга алоҳида ҳисса қўшаётгани, шубҳасиз.

«Ташаббус — 2010» кўрик-танловининг Чилонзор тумани босқичида 25 нафар тадбиркор ва 9 нафар хунарманд иштирок этиб, «Йилнинг энг яхши тадбиркори» ва «Йилнинг энг яхши хунарманди» номинациялари бўйича ғолибликни қўлга киритган ҳолда, танловнинг шаҳар босқичига йўлланмага эга бўлиш учун ўзаро беллашди.

Кўргазмада «BESH YOGOSH METALL» (металл симлар ишлаб чиқарувчи), «TRANS SHAB» (автомобиллар учун эҳтиёт қисмлар), «AHIL XAMKOR» (мебель), «RAFERTI SERVIS» (майнез, кетчуп, хантал, сирка, чой), «NAFIS» ва «POYAFZALCHI» (поябзал) масъулияти чекланган жамиятлари, тикувчилик маҳсулотлари билан танилган «ASILA SHOHINA» ва «STYLE TEKSTIL» корхоналари маҳсулотлари кенг намойиш этилди. Хунармандлар Мухиддин

Қаюмов, Шуқурилло Муратов ва Равшан Норхўжаевларнинг ёғочдан ўйиб ишланган асарлари йиғилганларни гўзаллик оламига ошуфта қилди.

— Мустақиллигимиз шарофати билан хунармандларга яратилган қўлай шарт-шароит, ҳуқуқий ҳимоя бизни ижодий изланишга руҳлантирмоқда, — дейди ёғоч ўймаkori Шуқурилло Муратов. — Ёшлигимдан аждодларимизнинг бебаҳо қадриятлари, илдизи неча-неча асрлар қаърига етган бетакорор ёғоч ўймакорлиги санъати мени ўзига мафтун қилиб келмоқда. Хар бир маҳсулотга ўзгача меҳр, қалб кўримишни қўшиб яратамиз. Қувонарлиси, йилдан-йилга хунармандлар сафи иқтидорли ёшлар билан тўлиб бормоқда.

Бир неча босқичдан иборат беллашув якунида ҳайбат аззолари иштирокчилар орасидан ғолибларни аниқлаб,

уларни эълон қилишди. «TRANS SHAB» масъулияти чекланган жамияти директори Отамурат Эшонқулов 1-ўринга, «BESH YOGOSH METALL» МЧЖ директори Ҳасан Шуқуров иккинчи, «RAFERTI SERVIS» МЧЖ директори Рустам Қосимов учинчи ўринларга лойиқ топилиб, «Йилнинг энг яхши тадбиркори» йўналишида ғолиб бўлишди. «Йилнинг энг яхши хунарманди» номига Шуқурилло Муратов, Мухиддин Қаюмов ва Равшан Норхўжаев сазовор бўлишди. Яна кўллаб номинациялар бўйича ҳам совриндорлар аниқланиб, диплом ва эсдалик совгалари билан тақдирланди.

Муҳаббат ХАБИБУЛЛАЕВА СУРАТЛАРДА:
«Ташаббус — 2010» кўрик-танловининг туман босқичларидан лавҳалар.

Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар

Кувайт давлатида Ўзбекистон Республикаси ҳаётига қизиқиш ортиб бормоқда. Айниқса Кувайт оммавий ахборот воситалари Ўзбекистоннинг ШХТдаги раислигига алоҳида эътибор қаратишмоқда.

КУВАЙТ МАТБУОТИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ШХТДАГИ РАИСЛИГИ ҲАҚИДА

Хусусан, «Ал-Васат» газетаси Ўзбекистон 2009 йил июнь ойидан бошлаб Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига раислик қилаётгани ҳақида ёзади. Раислик даврида Ўзбекистон томонидан ШХТга аъзо давлатлар ўртасидаги самарали ва фойдали ҳамкорликни янада мустақамлашга йўналтирилган тадбирлар дадил қабул қилинмоқда. Ўзбекистон асосий эътиборни ШХТ Хартияси асосида ва тамойилларига қатъий мос равишда, ушбу ташкилот фаолиятининг самарадорлигини унинг халқаро алоқаларини ривожлантириш ва меъёрий-ҳуқуқий базасини мустақамлаш орқали янада оширишга қаратмоқда.

Ўзбекистоннинг нуқтаи назарича, ШХТга аъзо давлатлар ташкилотнинг вазифалари ва манфаатларини амалга ошириш учун БМТ минбаридан хар томонлама ва оқилона фойдаланишлари керак. Шу маънода, ШХТга аъзо давлатларнинг БМТ ҳузуридаги миссиялари ҳамда ташкилотлар котибиятлари вакиллари ўртасида минтақавий ва халқаро хавфсизликни таъминлаш ҳамда ўзаро манфаатли бўлган бошқа йўналишларда ҳамкорликни кенгайтириш масалалари муҳокама бўйича консултациялар ўтказиш каби механизмлардан фойдаланиш зарур, дейилади мақолада.

Ушбу мавзуга кенгроқ тўхталиб, «Ал-Наҳор» газетаси шундай изоҳ беради: «Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2009 йил 11 сентябрда Тошкентда бўлиб ўтган ШХТга аъзо давлатларнинг миллий мувофиқлаштирувчилари учрашувида ўртага ташлаган тақдир фақуллода муҳим ва ташкилот доирасида қарор қабул қилиш механизмлари ҳамда ШХТ ва унинг тузилмавий бўлинмалари фаолиятини такомиллаштиришга йўналтирилгандир».

Мавзунинг давом эттириш, нашр ШХТ доирасида савдо-иқтисодий ва сарможий Ҳамкорлик бугунги кунда Ташкилотга аъзо давлатларнинг кўп томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорлиги дастурини бажариш тадбирлари режасига мос равишда амалга оширилаётганини таъкидламоқ керак, деб ёзади.

Газетада қайд этиладики, ШХТнинг олдидан турган энг муҳим вазифалардан бири транспорт коммуникация соҳасини ривожлантиришдан иборат. Ташкилот этилган «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси йўл тармоғининг марказида жойлашган ва нафақат Ўзбекистон, балки бутун минтақа иқтисодиётининг ривожини таъминловчи куч сифатида муҳим аҳамият касб этади.

«Жаҳон» АА

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2009 йилнинг асосий якуни ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида мамлакатни модернизациялаш, кучли фуқаролик жамиятини барпо этишда халқимиз, айниқса, ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларни баркамол инсонлар этиб тарбиялаш масаласи етакчи аҳамият касб этиши алоҳида таъкидланган.

Пойтахтимизда Республика Маънавият тарғибот марказининг 2009 йилда юртимизда миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий йўналишда амалга оширган ишлари якунлари ва 2010 йил — Баркамол авлод йилида белгиланган устувор вазифалар ижросига бағишланган маҳаллада ушбу масалаларга асосий эътибор қаратилди.

Унда марказнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўлимлари мутасаддилари, турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотларининг масъул ходимлари, маънавият тарғиботчилари, олимлар, ўқитувчилар, талаба-ёшлар иштирок этиди.

Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари М.Ҳожиматов, Республика Байналмилал маданият маркази директори Н.Муҳамма-

2010 йил — Баркамол авлод йили

МАЪНАВИЙ ТАРБИЯГА ЭЪТИБОР

«Ўзбекино» миллий агентлиги бош директори вазифасини бажарувчи А.Исҳоқов, Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири ўринбосари А.Холбеков, «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси раиси И.Латипов, Республика «Оила» илмий-амалий маркази директори В.Каримова ва бошқалар халқимиз, айниқса, ёш авлод маънавиятини юксалтириш, уларни мустақил фикр, соғлом ва теран тафаккур, эзгу фазилатлар соҳиб этиб тарбиялаш, уларни миллий қадриятларимизга ҳурмат, Ватанга муҳаббат, миллий истиқлол

ғояларига садоқат руҳида камолга етказиш ислохотларнинг пировард мақсадини ташкил этишни таъкидлади. Маънавий-маърифий соҳада амалга оширилаётган кенг қўламли эзгу чоралар тадбирлар халқимиз маънавиятининг тикланиши, бой тарихий меросимизни чуқур ўрганиш, умрбоқий анъана ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш, маданият, таълим, санъат, илм-фан каби соҳаларнинг изчил ривожини, ёшлар тафаккурининг юксалиши каби жараёнлар билан уйғун ҳолда олиб борилаётган.

(Давоми 2-бетда).

МАМЛАКАТИМИЗДА

«Туркистон» саройида халқаро хотин-қизлар байрами муносабати билан тантанали тадбир бўлиб ўтди. Тадбирда Президентимиз Ислам Каримовнинг Қарорига мувофиқ адабиёт, санъат, фан, таълим, маданият соҳаларида зришган алоҳида ютуқлари учун Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланган бир гуруҳ қизларга ана шу юксак мукофотлар тантанали равишда топширилди.

Андижонда «Меҳр нури» жамғармаси ҳамда вилоят хотин-қизлар кўмитасининг ташаббуси билан «Кўли гулдир Ўзбек аёли» деб номланган кўргазмали семинар бўлиб ўтди. Унда кўшни Фарғона ва Наманган вилоятларидан оилавий тадбиркорликни йўлга қўйган аёллар, хотин-қизлар кўмиталари раислари иштирок этиди. Андижонлик хунармандлар, оилавий тадбиркор аёллар томонидан тайёрланган кўргазма намойиши иштирокчиларга манзур бўлди.

Фарғона шаҳрида «Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар: амалиёт ва муаммолар» мавзуида семинар ўтказилди. Анжуманда мамлакатимизда хорижий инвестицияларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш учун яратилган шарт-шароитлар, бу борадаги қонунчилик ҳужжатлари, белгиланган имтиёзлар хусусида иштирокчиларга батафсил маълумотлар берилди.

Гулистон шаҳридаги «Дил Сирож Нур» хусусий корхонаси раҳбари Соҳибқурбон «Микрокредитбанк»нинг шаҳар филиалидан олган 12 миллион сўм кредити эвазига янги паррандачилик фабрикасини ишга туширди ва 10 та иш ўринларини ташкил этди. Айни пайтда бу ерда хар ойда истеъмолчилик 20-22 минг донна тухум етказиб берилмоқда.

Тошкентда «Орифлэм» компаниясининг дастлабки сервис маркази очилди.

Муллабийчи Тошмухамедов номидаги Қашқадарё вилоят мусикали драма театри ижодий жамоаси С.Аксаков асари асосида тайёрланган «Алвон гул» номли эртак томошасининг тақдимотини ўтказди.

Вобkent тумани марказида замонавий спорт мажмуаси фойдаланишга топширилди. Яъни, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиали томонидан ажратилган 800 миллион сўмлик маблағ эвазига бўш ётган бино реконструкция қилинди. Ушбу мажмуа 30 миллион 850 минг сўмлик спорт анжомлари билан таъминланди. Бугунги кунда бу ерда ёшлар спортининг ўнлаб турлари билан шуғулланмоқдалар.

Кўкон шаҳридаги «Кўрпабон» маҳалласида «Ал-Ҳабиб» текстиль Кўкон» тикувчилик цехи фаолият бошлади. Тадбиркор Зироатхон Абдурахимова раҳбарлиги остида бу ерда 85 киши меҳнат қилмоқда. Корхона негизда касбга ўргатиш бўйича ўқув маркази ҳам очилган бўлиб, ҳозирда бичиш ва тикиш, манзарали гулларни тайёрлаш сирларини 150 нафар қиз ўрганмоқда.

ЖАҲОНДА

Черногория Афғонистондаги ҳарбий амалиётларда қатнашаётган НАТО таркибига қўшилди.

Чехия полицияси тўрт нафар Украина фуқаросини одам савдосида айблаб, ҳибсга олди.

Кеча жаҳоннинг етакчи биржаларида ўтказилган навбатдаги савдолар чоғида нефть нархининг ошганлиги қайд этилди.

АҚШ Бутунжаҳон савдо ташкилоти томонидан белгиланган қоидаларни бузганлиги учун Бразилия ушбу мамлакатнинг айрим маҳсулотларига нисбатан савдо санкцияларини қўллашга қарор қилди.

Кеча Москва марказидаги «Опера» тунги клубида кучли ёнғин чиқди. Ёнғиннинг ноҳус асоратларининг олдини олиш мақсадида яқин атрофдаги турар жойлардаги аҳоли хавфсиз жойларга кўчирилди.

Кеча Аргентинада Стефания номли 81 ёшли аёл халқаро хотин-қизлар кунини ўзига хос тарзда нишонлашга қарор қилиб, умрида илк бор йўриқчи ёрдамида парашютдан сакради.

Бир гуруҳ олимлар динозаврларнинг ер юзидан йўқолиб кетиш сабаблари ҳақидаги сўнгги ҳулосани маълум қилдилар. Ушбу жониворлар ҳақиқатан ҳам бундан 65 миллион йил илгари Ер қуррасига астероидларнинг тушиши оқибатида нобуд бўлган. Мексика ҳудудидан топилган диаметр 15 километрга тенг астероид қолдиқлари устида ўтказилган тадқиқотлардан сўнг шундай тўхтамга келинди.

ҚИСҚА САТРАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **АБУ Райхон Беруний** номидаги Тошкент Давлат техника университетига ушбу ўқув муассасаси «Маънавият ва маърифат» бўлими, қасаба уюшмаси, хотин-қизлар кўмитаси ҳамда «Камолот» ЁИХ

бошланғич ташкилоти ҳамкорликларида талабалар, ўқитувчилар иштирокида уюштирилган маънавий-маърифий тадбир «Сен барибир муқаддассан, муқаддас аёл!» деб номланди.

✓ **ЮНУСОБОД** туманидаги 235-мактабда туман халқ таълими бўлими ҳамкорлигида ўтказилган «Очқик эшиклар кунини» тадбирида юқори синф ўқувчилари, ўқитувчилар, ота-оналар иштирок этишди.

✓ **296-МАКТАБДА** ўқувчилар, ўқитувчилар иштирокида жамият тараққийотида ёшларнинг ўрни масаласига бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

2010 йил —Баркамол авлод йили

Соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш, уларни комил шахс этиб вояга етказиш борасида таълим муассасаларининг ўрни алоҳидадир.

Жумладан, банк, молия, солиқ тузилмалари учун малакали кадрлар тайёрлаш, банк тизимини ривожлантиришнинг комплекс дастури...

электрон имитация банклари ташкил қилинган. Ушбу банклар Япониянинг «Кичик ижтимоий лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш дастури»...

муассасалари билан кадрлар таълим олиш учун ҳам барча рақлари, 9 та бадий ҳаваскорлик тўғраги, теннис корти мунтазам равишда ишлаб турибди.

Биз мақола тайёрлаш жараёнида ўқувчилар фикрлари билан ҳам қизиқдик.

— Коллежимизда ўқув жараёнининг автоматлаштирилган тизими ишлаб чиқилган бўлиб, бу таълим самардорлигини оширишга ёрдам бермоқда...

Мен ҳам коллежни тугатиб ўз мутахассислигим бўйича олий ўқув даргоҳида ўқимоқчиман...

Улардан жуда ҳам миннатдоримиз. Айниса З.Худойбердиева, К.Ҳомитов, Т.Ҳожидинов, М.Қазақбаева, З.Умаров каби ўқитувчилар ўзлари тайёрлаган қўлланмалар билан амалий ва назарий билимимизни мустаҳкамлаб боришда яқиндан ёрдам бермоқдалар...

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

ИМКОНИЯТЛАРДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИБ

Компьютерларга банклар учун махсус ишлаб чиқилган автоматлаштирилган дастур ўрнатилган. Ушбу дастур орқали ўқувчилар бевосита машгулотлар давомида банкларга бўлиниб, ўқув амалиётларини ўқув банкида амалга ошириш имконига эга бўлмоқдалар...

фаолият юритаётганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. 999 нафар ёшлар таҳсил олаётган ўқув масканимизда 5та йўналиш бўйича 261 нафар профессор ўқитувчилар, 4 та фан доктори, 24 та фан номзоди таълим бермоқда...

шарт-шароитлар яратилган. Жумладан, ўқув ва лаборатория хоналари замонавий ўқув-техника воситалари, видеоасмалар, кадаскоп, телевизор, компьютерлар билан таъминланган...

Поштаимизда «Фан ва техника тараққиётида иқтидорли ёшларнинг ўрни» мавзуида республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди.

ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАР АНЖУМАНИ

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази ва Тошкент давлат техника университети ҳамкорлигида ўтказилаётган «Иқтидорли ёшларнинг фан ҳафталиги» доирасида ташкил этилган мазкур анжуманда ёш олимлар, мутахассислар, профессор-ўқитувчилар, «Келажак овози» республика кўрик-танловининг ғолиблари иштирок этди.

минлашда Тошкент давлат техника университети «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази билан ҳамкорликда илм-фанни янада ривожлантириш иқтидорли ва қобилиятли ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб этиш, уларнинг ижодий-интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Конференцияда Президентимиз Исрол Каримов раҳнамолигида ёш авлод таълим-тарбияси, маънавий баркамоллиги йўлида кўрсатилаётган ғамхўрлик ва эътибор истеъдод соҳибларининг янада кўпроқ изланиши, ўзи танлаган йўналишнинг етук мутахассиси бўлишида муҳим аҳамият касб этаётгани таъкидланди.

«Иқтидорли ёшларнинг фан ҳафталиги»да университет талабалари юртимизнинг турли ҳудудларидан келган ёш тадқиқотчилар, олимлар, магистрантлар билан ўзаро фикр алмашиш, ушбу олий таълим даргоҳида турли йўналишларда кўлга киритилган ютуқлар ва янгиликлар билан уларни таништириш, ёш тадқиқотчиларнинг рационализаторлик таклифлари, техник лойиҳалари ва инновацион ишланмаларини атрофича таҳлил этиш имконига эга бўлмоқдалар.

Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 27 январда қабул қилинган «Баркамол авлод йили» Давлат дастури тўғрисида»-ги қароридан реал иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларидаги мавжуд талабларни инобатга олган ҳолда малакали мутахассислар тайёрлаш, билим даргоҳларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, улардан оқилона фойдаланиш муҳим йўналишлардан бири сифатида белгиланган. Бу борадаги вазифалар ижросини таъминлашда Тошкент давлат техника университети «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази билан ҳамкорликда илм-фанни янада ривожлантириш иқтидорли ва қобилиятли ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб этиш, уларнинг ижодий-интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Анжуманда юртимизнинг иқтидорли талабалари илм-фаннинг турли йўналишларида самарали тадқиқотлар олиб бораётгани таъкидланди. Анжуманда ёшларнинг илмий тадқиқотлари фаннинг турли йўналишлари бўйича шўбаларга бўлинган ҳолда атрофича муҳокама этилди.

УЗА



ИНТЕРФАОЛ УСУЛЛАР ҚЎЛЛАНИЛАДИ

Мақтабгача ёшдаги болалар таълим-тарбия беришнинг асосий вазифалари келажакимиз ворисларни жисмоний, ақлий ва маънавий жиҳатдан ривожлантиришдан, уларнинг лаёқати, қизиқиши, эҳтиёжи ва имкониятларини ҳисобга олган ҳолда миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида тарбиялашдан иборатдир.

Юнусобод тумани халқ таълими бўлими ташаббуси билан 544-мактабгача таълим муассасида таъкил этилган семинарда ана шу масалалар ҳусусида сўз борди.

Фарзандларимизга самарали таълим беришнинг узулксизлигини таъминлашнинг долзарб масала эканлигини таъкидлашга ҳоҳат бўлмас керак, — дейди таълим муассасаси мудири Зебо Омарова.

Шу босис ҳам кейинги йилларда нафқат мактаб, лицей, коллежлар, олий ўқув юртлири, балки мактабгача таълим муассасалари ҳам замонавий педагогик технологиялар билан тўлиқ таъминланмоқда.

Хозирда мактабгача таълим муассасалари оддий болалар боғчаси эмас, балки ҳақиқий зив тарқатиш маскани сифатида фаолият юритаётганлиги педагоглар, тарбиячилар масъулиятини оширади.

(Уз мухбиримиз)

Тиббиёт ТЕМИРЎЛЧИЛАРНИНГ КЛИНИК ШИФОХОНАСИ

«Ўзбекистон темир йўллари» Давлат компаниясига қарашли Марказий клиник шифохона хизматидан темирўлчилар мамнун. Бу ерда томоқ, бурун ва қулоқ, қатор ички касалликлар муолажалари ҳам яхши йўлга қўйилган. Функционал текшириш бўлими эса энг замонавий тиббий ускуна ва аппаратлар билан таъминланган.

Муолажаларни олиб боришда кардиодиагностика ва биология таҳлиллари натижаларидан ҳам кенг фойдаланилмоқда. Бу эса илгор даволаш усуллариани амалиётга татиқ этиш имконини бермоқда.

ОРДИНАТОРЛАРГА ЭҲТИЁЖ КАТТА

Врачларни клиник ординатурада ўқитишда самарадорликка эришиш мақсадида «Клиник ординатура тўғрисида»ги янги Низом тайёрланди. Ушбу Низом тиббий клиник мутахассисликлар бўйича ординатурага қабул қилиш ва ўқитишни ташкил этиш тартибини белгилайди.

Ўқитиш муддати, қондаги кўра, камида икки йилни ташкил қилади ва мутахассиснинг малака тавсияномасини ҳисобга олган ҳолда тузилган ўқув дастури билан белгиланади.

Шуни ҳам эслатиб ўтиш жоизки, клиник ординатурада ўқитиш кундузги шаклда, асосий иш жойидан ажралмаган ҳолда амалга оширилади.

УСЛУБИЙ МАРКАЗ

Фармацевтик кадрлар малакасини оширишни такомиллаштириш учун Тошкент Фармацевтика институти асосий услубий марказ этиб белгиланди.

Шунга кўра, бу олий ўқув юрти курсларни ўтказиш режасини тузиб, малака ошириш ва қайта тайёрлаш тури ва шакллари аниқланди.

Республика ўрта тиббиёт ва доришунос ходимлар малакасини ошириш ва уларни ихтисослаштириш маркази эса ўрта тиббиёт ва ўрта фармацевтика кадрлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимининг таянч услубий маркази ҳисобланадиган бўлди.

ИЗЛАНИШЛАР САМАРАСИ

Тошкент Тиббиёт академияси тасарруфидаги марказий клиник-биохимия лабораториясида олиб борилаётган изланишлар даволаш ишларини сифатли ташкил этишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Олий ўқув юртининг учинчи клиникасида фаолият кўрсатаётган мазкур лаборатория энг замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланган бўлиб, қатор янги ишланмаларни тақдим қилмоқда.

Утган йилда унинг моддий-техник негизи янада мустаҳкамланди. Эндликда тўла автоматлаштирилган биохимия қурилмасидан ҳам фойдаланилмоқда.

Акбар АЛИЕВ

Танловлар

ЖОЗИБА ВА ГЎЗАЛЛИК НАМОЙИШИ

Ўзбек қизларига хос миллийлик, кийиниш маданияти, пазандачилик, одоб ва ахлоқ меъёрларини қамраб олган танловлар баҳорнинг илк кунларида барча таълим-тарбия масканларида анъанавий тарзда ўтказиб келинади.

Шундай танловларнинг бири Мирзо Улуғбек тумани халқ таълими бўлими, «Камолот» ЁИХ, ўқувчилар ижодиёт маркази ҳамкорлигида ташкил этилди.

Еттига шарт — келин салом, танишув, миллий либослар танлаш, соч турмаги, ошпазлик, савол-жавоб, эркин мавзу бўйича ўтказилган танловда қизлар бор иқтидорини, маҳоратини, доно ва зукколигини намоён қилишди.

аъналаримиз, қадриятларимиз ва урф-одатларимизни, балки ўзбек қизларига хос зукколик, саришталик, ибод, ҳаёга йўғрилган гаплашиш ва муомала маданиятини ҳам кўз илғамас нозик жиҳатлари билан намоён этиб берди.

— Бу танловда қизлар нафақат миллий

дин Исмоилов.— Бундай тадбирлар замирида миллатимизга хос маданиятни янада ривожлантириш, аъналаримизга ҳурмат билан қараш, меросимизни авайлаш ва келажак авлодга етказиб бериш вазифалари мужассамдир.

Ширмоной АСРАНОВА

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«Республика Кўчас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибидан ўтказилаётган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига тақроран Чилонзор тумани СИБ томонидан, 03.10.2008 йилдаги ЖСХ-1-465-08-сонли иқро ҳужжатига асосан, Тошкент шаҳар Чилонзор т, 19-мавзе «Урор х/к» савдо ташкилоти ҳовлисида сақланаётган, қўйдаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилган закатат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳорининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закатат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида иқро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМнинг ОАИКБ «Ипак йули банки» Сағбон ф-даги қўйдаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20210000300571452114, МФО:01036, ИИН:200933850. Манзил: Тошкент ш, С.Рахмонов т, 1-Коррақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. www.rkmb.uz.

Дикқат!

Республика Кўчас мулк биржаси ва унинг ҳудудий филиаллари бюджет ташкилотлари ҳамда давлат унитар корхоналари мол-мулкларининг оммавий савдоларини ташкил этишни алоҳида маълум қилди.

